

**ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ
КИШГИ КАРОВ ИШЛАРИ БЎЙЧА
ШАРТНОМА № 12Д/К**

Бухоро шаҳри

“31” январ 2022 ийл

Бизлар, “Бухоро вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси” номидан, бошқарма Низоми асосида иш юритувчи, бош бошқарма бошлиғи Ш. Абдуллоев бир томондан, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, “Коракул туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи корхона директори Б.Отахонов иккинчи томондан, (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади), аник манзилли ва йўл ишлари рўйхатида тасдикланган 125 км узунилдаги умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини кишиги каров ишларини ташкил килиш бўйича ушбу пурдат шартномасини туздик.

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартлари бўйича ўзига биринчирилган умумий узунилиги 125 км бўлган умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва ушбу йўллардаги йўл иншоотларини кишиги каров бўйича шартномага кўрсатилган муддат давомида доимий равишда хизмат кўрсатади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тұгрисида”ги Конунийнинг 15-моддасига асосан “Пудратчи” га биринчирилган автомобиль йўллари, йўлдаги иншоотлар, жихозлар ва мол-мулклар “Пудратчи” нинги ихтиёрида бўлади.

II.ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси “Пудратчи”нинг 2022 йил 1-чоракда тасдикланган йўл ишларига ажратилган харажатлар сметасига асосан 6 224 000 (олти миллион иккиси юз йигирма тўрт минг) сўмни ташкил этади. Шартномага кишиги каров ишлари бўйича йўл ишлари рўйхати (харажатлар сметаси) илова килиниб, булар шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 “Буюртмачи” Фазначилик бошқармаси орқали “Пудратчи”га шартноманинг 2-бўлимида кўрсатилган маблағни мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланган харажатлар сметаси ва тўлов жадвалига мувофиқ тўлаб боради.

3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га кишиги каров ишларини бошлаш учун ойлик режанинг 40 фоизи микдорида олдиндан аванс (бўнак) маблағи тўлайди, қолган сумма харажатлар сметаси асосида бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан кабул килиб олиниб, бажарилишини тасдиқловчи хужжатлар тўлик тақдим килингандан кейин тўлаб берилади (ойма-ой харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасидан ошишига йўл кўйилмайди).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан тегишили ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

3.4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қишиги каров ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган максадга эга бўлади ва тегишили автомобиль йўлларини кишиги каров ишлари билан боғлик бўлмайдиган эҳтиёжлар учун олиб кўйилмайди ёки сарфланмайди. (Конун хужжатларида назарда тутилган холлар бундан мустасно).

IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. “Пудратчи” ушбу шартномага мувофиқ кишиги каров ишларини хар ойнинг 25-санасигача бажариб, бажарилган ишларни тўловга тақдим этади.

4.2. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар учун шартноманинг 3.2-бандига асосан аванс маблағларини жорий ойнинг 15-санасигача бажарилган ишлар учун бажарилишини тасдиқловчи хужжатлар тўлик тақдим килингандан кейин 5 кун ичida тўлиб беради.

4.3. Шартноманинг амал килиш муддати :

2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Фазна ижроси қоидаларига” хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан, шартнома тегишили тартиблла Фазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг конуний кучга киради ва 2022 йил 5 январдан тарафлар ўртасидаги бошланган муносабатларни тартибга солишга каратилган бўлиб, 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

4.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккиси нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан берилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

5.1.1. Ўз кучи маблағлари ҳисобидан ишларининг календарь режасига белгиланган хажмда, муддатларда ва сифатли килиб барча ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га лойиха-смета хужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни камчиликлариз топшириш;

5.1.2. Ўзига биринчирилган автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни йўл жихозларини асраш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш хамда йўл хизмати кўрсатиш.

5.1.3. Йўлларни кишиги каров жарабнида Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли карори билан тасдиқланган ва 2011 йил 31 декабрдаги 352-сонли карори билан тўлдирилган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қишиги каров ишлари ТАСНИФИ”га хамда тизимдаги йўл корхоналарининг

“Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитаси” олдиаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро хужжатларига катъий риоя **килиши**:

5.1.4. Йўл минтакасидан самарали фойдаланиш ва уни амалдаги конунтар ҳамда меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ равишда қишиги қаров;

5.1.5. Қишиги қаров ишларини бажариш даврида техника ҳавфисилиги, атроф мухитини, йўл минтақасини муҳофиза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. Йўлларда бажарилши зорур бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиккан оқибатлар учун “Пудратчи” тўла жавоб беради.

5.1.7. Бажарилган қишиги қаров ишлари “Буюртмачи”га топширилгунга кадар бажарилган ишларнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

5.1.8. “Пудратчи” ўзи хизмат кўрсатётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини транспорт воситаларининг узлуксиз ва ҳавф-хатарсиз харакатланишини таъминлайдиган соз ҳолатда сақланиши учун жавобгардир. Автомобиль йўлнинг тегишли булагида (йўл шаронти билан боғлик) йўл-транспорт ходисаларини расмийлаштиришда вакил сифатида иштирок этади.

5.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Конуннинг 21-22-моддаларига асосан йўл минтақасида йўл ишлари билан боғлик бўлмаган ҳар қандай ишларни амалга ошириш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Буюртмачининг хўжук ва мажбуриятлари:

5.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда бажарилган қишиги қаров ишлари учун харажалар сметасига асосан “Пудратчи”га ҳак тўлаш;

5.2.3. “Пудратчи” томонидан бажарилган қишиги қаров ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача кабул килиб олиш.

5.2.4. Шартноманинг II-бўлимига ва илова килинадиган харажатлар сметасига мувофиқ режалаштирилган маблағлар “Пудратчи” томонидан ўз вактида ўзлаштирилмаса ўзлаштирилмай колган маблағни “Буюртмачи” кайтариб олиш хўкуқига эга.

5.2.5 “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган қишиги қаров ишларини исталган вактда назорат килиш ва аникланган камчиликлар бўйича далолатнома тузиш.

VI. БАЖАРИЛГАН ҚИШИГИ ҚАРОВ ИШЛАРИНИ КАБУЛ ҚИЛИНИШINI ТАШКИЛ ҚИЛИШ

6.1.1. “Пудратчи” қишиги қаров ишларини томонлар ўзаро келишиб тасдиклаган харажатлар сметаси, лойиха смета хужжатларига мувофиқ равишда ташкил этади.

6.1.2. Алоҳида маъсулиятга эга конструкциялар ва яширин ишлар тайёр бўдишига қараб уларни кабул килиш бошланишидан 3 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни ҳабардор килади.

Агар яширин ишлар “Буюртмачи”нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб ҳабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” яширин ишларнинг қисмини ўз хисобидан очишга, уни қайта тиклашга мажбурдир.

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганинг аниқласи, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучи билан “Буюртмачи” белгилаган муддатда сифатсиз бажарилган ишларни қайта бажаришга мажбурдир.

6.1.4. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга кадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади, дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

6.1.5. Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”дан кабул килиб олинмайди.

6.1.6. Буюртмачи” бажарилган қишиги қаров ишларини кабул килиб олиш учун ўз вакилини буйруқ асосида тайинлади. У “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Бажарилган ишлар учун фойдаланилган материаллар сифати “Пудратчи” зиммасида бўлади.

6.1.7. Техник назоратчи ёки “Буюртмачи” томонидан тузилган комиссия ишлар бажарилишининг олиб борилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлик танишиш хўкуқига эгадир.

6.1.8. “Пудратчи” назоратчини бажарилган ишларни кабул килиб олиши ва иш жойига бориб келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди.

6.1.9. Назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараённида пайдо бўладиган масалаларни ҳал килиш учун техник Кенгашга таклиф мунтазам катнашади.

6.1.10. Инспекция назорати олиб бориш ва ишларни кабул килишида “Пудратчи”га тобе бўлмаган ихтисослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда тегишли ўлчов текширувларини амалга ошириш хўкуқига эга. Мазкур текширувлар ва лабаратория хуносатлари учун “Пудратчи” томонидан ҳак тўланади.

VII. ФОРС-МАЖОР.

7.1. Тарафларнинг ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. (Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, харбий харакатлар киради).

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб булмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тасири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб булмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал килиб турса ва якин муддат ичидаги бекор килиниши эҳтимоли бўлмаса мазкур шартнома тарафларни бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йули билан бекор килиниши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. "Буюртмачи" ушбу шартноманинг З-бўлиминда кўрсатилган мажбуриятларни ўз вактида бажармаганида "Пудратчи"га кечиктирилган сумманинг кунинг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо пеня микдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.2. "Пудратчи" мазкур шартнома шартларига мувофик зиммасига олган мажбуриятларни ўз вактида бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда "Буюртмачи"га кунинг бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо пеня микдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеняни хисоблаш учун бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар далолатномаси асос бўлиб хисобланади ҳамда техник назоратчиларнинг билдиригиси ва маълумотномасига асосан кейнинг бажарилиши лозим бўлган ишлар суммасидан чегирниб колинади.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида, agar бундай келишувнинг имкони бўлмаса бу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари ва уларга мувофик равиша кабул килинган мъёврни хужжатлар асосида иктисодий судларига мурожат килиш йўли орқали ҳал этилади.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.

9.1. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартериш ва қўшимчалар улар ёзма равишида расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган такдирда хакиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор килишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар копланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. "Буюртмачи" кўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳақли:

- Ишларни тугатишининг шартномада белгиланган муддати "Пудратчи"нинг айби билан узлуксизлиги кетма-кет икки ой таъминланмаганда, "Пудратчи" томонидан ишларни бажарини жадвалига риоя этилмаганда;
- "Пудратчи" томонидан курилиш мъёврлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати мъёвр талабларига жавоб бермаганида;

- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойинхада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда;

- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини тўлик бажариш имконияти йўқлиги холати мавжуд бўлса.

9.4. "Пудратчи" кўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳақли:

- "Пудратчи"га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" томонидан икки ойдан ошик муддатга молиялаштириш тўхтатилса;

- "Буюртмачи" бажарилган ишларни молиялаштириш имкониятини йўкотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор килинганда "Буюртмачи" ва "Пудратчи"нинг биргаликдаги келишувига мувофик тугалланмаган таъмирлаш ишлари "Буюртмачи"га топширилади ва у биргаликде келишилган ҳажмда бажарилган ишлар кийматини "Пудратчи"га тўлаши лозим.

9.6. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш карорига келган тараф иккичи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. Билдиришномани олган тараф 5 кунлик муддат ичиза унга нисбатан ўзининг жавобини қайтаishi лозим. Ушбу белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаганда иккичи тараф шартномани муддатидан олдин бекор килишга рози эканлиги эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар тугатилади. Шартнома 9.3. ва 9.4-бандларда кўрсатилган холатлар бўйича мушнатидан олдин бекор килинганида иккичи тараф бу хақида билдиришномани олган вактдан бошлаб шартнома бекор килинган хисобланади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

Бухоро вилояти автомобиль йўллари
худудий бош бошкармаси

«Пудратчи»

Коракул туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон кучаси 272 уй
Телефон :228-50-03

Ш.х/р 304510860064017045172118001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 201188890
ОКОНХ 97400

Газначилик булинмаси номи:

Бухоро Вилоят Газначилик бошкармаси
Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк
ХККА МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР 201122919

Бош бошкармаси
бешинчи

Ш. Абдуллоев

Манзил: Коракул ш. Хасанак кучаси 1

Тел: 56-57-345
х/р: 22626000900412967001

банк: ТИФ Миллӣ Банк Бухоро вил. бўлими
МФО: 00084 ИИН 200881141
ОКОНХ 61120

Директор

Б.Отахонов

Юрист

Х. Шаропов

Юрист:

С.Омонов



Коракут ТИФУК нинг давлат ахамиятидаги автомобил

Иулларни қишики қаров бўйича 2021 йил 1-чорак учун

ТИГУЛ РЎЙХАТИ

№ №	Иулларн инг раками	Автомобил йуллари номи	2021 йил 1-чорак			Жами	1 чорак
			рекаси	январ	феврал		
1	4р-58	№-37 - Самарканд-Бухоро-Турманибоси автомобилийдидан шахобалалар 0) Йиқатут темир йул бекати 0-1, Р) Коракут терминалига 0-1, 3)Хужадавлат темир йул бекати 0-2 км	955,00	955,00	439,00	516,00	март
2	4р-75	А-350 Туар-Букор-Нуус-Бейнену" в/чуну Варажса к-Махонуп даҳаси-Каралуп ш. 60-86 км	1 054,00	1 054,00	485,00	569,00	
3	4р-76	Каралуп ш.Каралуп темир йул бекати Янгибозор к-Жхитачи сув чиқариши шахобаси 0-29 км	1 975,00	1 975,00	908,00	1 067,00	
4	4р-77	Каралуп ш-Янгибозор к-Хужадавлат темир йул бекати 0-15 км	1 581,00	1 581,00	727,00	854,00	
5	4р-78	Олот ш-Хамза I-II насос стансияси-Каралуп темир йул бекати 10-13 км	659,00	659,00	303,00	356,00	
		ЖАМИ	6 224,00	6 224,00	2 862,00	3 362,00	

Бош мухандис:

Ш. Курбонов

Буҳоро вилояти АЙХБ

у. Уринов

вакили :

Бош хисобчи:

Н. Ахмедов

АИФБ бошлиги:

Р. Омонов

ИЕХБ бош мутахасиси:

Ф. Болтаев

115 й.б.бошлиги:

Ғ. Ирназаров